2013 йил Обод турмуш йили

# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz 2013-YIL 2-MAY, PAYSHANBA, 55 (8136)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




# ФАРОВОНЛИК, ОСУДАЛИК АРДОҒИДА



Бухоролик Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Аҳмад ота Мухсинов фарзандлари ардоғида кексалик гаштини суриб яшаётган нуронийлардан. Отахон фашизм устидан қозонилган ғалабадан сўнг ички ишлар соҳасида масъулиятли лавозимларда самарали меҳнат қилди.

— Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишга, қадр-қимматини улуғлашга қаратилгандир, бу истиқлолдан баҳра олаётган осуда ва фаровон ҳаётимизда ўзининг яққол ифодасини топмоқда, — дейди А.Мухсинов ёшлар билан учрашувларда, суҳбатларда.

**СУРАТДА:** *бухоролик Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Аҳмад ота Мухсинов ёшлар билан.*

**Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат.**

МУНОСАБАТ

**Истиқлол туфайли ҳаётимиз, турмушимиз буткул ўзгарди. Миллий урф-одатларимиз, қадимий анъана ва қадриятларимиз тикланди. Шундай қадриятларимиздан бири — кексаларни қадрлаш, ардоқлаш ва ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш бўлиб, халқимизнинг бу фазилатини, аввало, Президентимиз намоён этаётгани қалбимизни фахру ифтихор ҳисларига тўлдиради.**

## КЎНГЛИМИЗ НУРАФШОН БЎЛДИ

Буни Юртбошимизнинг яқинда матбуотда эълон қилинган “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони ҳам яққол кўрсатиб турибди. Бизга бундай ғамхўрлик ва эътибор нафақат Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан, балки ҳар бир байрам тантаналарида, борингки, ҳар куни кўрсатилиб келинмоқда. Бир қарасак, пенсиямиз оширилган, бир қарасак, коммунал тўловлардан имтиёз берилган ёки азиз ва тарихий қадамжоларга саёҳатлар ташкил этилган бўлади. Хуллас, Ватанимиз мустақилликка эришибдики, давраларнинг тўри, ҳурматларнинг зўри бизники. Ёшим тўқсондан ошмоқда. Аммо бундай эъзозу ардоқ туфайли қариликни тан олгим келмайди. Баъзан ғайрату шижоат билан ишлагим келади. Эътибору ғамхўрликни ҳис этар эканман, “Бу Ватанда қарилик ҳам бахт”, дея руҳланиб қўяман.

Бундай эъзозу рағбат учун ўзим ва барча Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари номидан Президентимизга раҳмат айтамиз. Биз дуогўй кексалар, дуоларимизда Президентимиз ва халқимизга сиҳат-саломатлик, юртимизга тинчлик-фаровонлик, фарзандларимизга комиллик тилаймиз! Дунё мамлакатлари орасида она Ўзбекистонимизнинг обрў-эътибори ҳамиша сарбаланд бўлсин! Тинчлигимизга, мусаффо осмонимизга кўз тегмасин!

**Синдор УМАРОВ,**
**Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги Қангли қишлоғида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси.**

# АСРЛАР САРМИШСОЙДА САДО БЕРАДИ

**Президентимиз раҳнамолигида халқимизнинг бой маънавий меросини улуғлаш, азалий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Шу йилнинг 4-5 май кунлари “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилаётган «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали бўлиб ўтадиган Сармишсой дарасининг бугуни узоқ ўтмишимизда яратилган бебаҳо ёдгорликлардан ҳикоя қилади. Мустақиллик даврида у музей-қўриқхонага айлантирилиб, тоғлар оралиғида асрлар оша сақланиб келаётган маданий меросимизнинг янада ёрқинроқ англанишига имконият яратилди.**

Бугун Сармишсойда, бутун Навоий вилоятида анъанавий маданият анжуманига тайёргарлик ишлари авжида. Шаҳар ва қишлоқларда, йўлларда, маҳаллаларда кўклам тароватига мос меҳнат, ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Навоий шаҳридан то Сармишсойгача бўлган йўл атрофида анвойи гуллар, кўркамлиги билан эътиборни тортадиган замонавий автобус бекатлари, бутунлай янгича қиёфадаги турар-жой бинолари ҳам нуфузли анжуманга муносиб тараддуддан дарак беради. Дарага туташиб кетган адирлик бағрида фестивалнинг тош ва бетон қоришмасидан ўрнатилган рамзий белгиси кўзга ташланади.



«Қизилқумцемент» ОАЖнинг «Шабода» болалар соғломлаштириш оромгоҳида мавсумга тайёргарлик ишлари билан фестиваль меҳмонларини кутишга ҳам ҳозирлик кўриляпти. Ёзги мавсумда 900 нафар бола мириқиб дам оладиган масканда қўшимча равишда 50 ўринли янги иншоот, тиббий хизмат кўрсатиш учун эса алоҳида бино қурилган. Уларнинг ташқи кўриниши бутунлай янги қиёфада, хоналар юмшоқ ва қаттиқ мебеллар, совиткичлар билан таъминланган, ювиниш, кийиниш хоналарида етарли шароитлар мавжуд. Бу ердаги қурилиш-монтаж ишлари «Қизилқумцемент» ОАЖнинг қурилиш-таъмирлаш ҳамда кўкаламзорлаштириш ва коммунал хизмат кўрсатиш бўлинмалари томонидан амалга оширилмоқда.

Оромгоҳнинг сайр қилиш майдончаси азим бир дарахт шаклида барпо этилибди. Майдонга тепадан қаралганда улкан дарахт шохларида республикамизнинг барча вилоятлари манзаралари акс этади. Тошкентдаги «Кўкалдош» мадрасаси дарвозасидан майдонга кириб келаркансиз, Сирдарёнинг маҳобатли кўпригидан ўтасиз, қаршингизда Жиззахнинг пурвиқор тоғлари қад ростлаб турибди. Ичкарида эса Самарқанднинг Регистони, Шаҳрисабзнинг Оқсаройи, Сурхондарёнинг Ат-Термизий мақбараси, Бухоронинг Арки, Хоразмнинг Хиваси, Қорақалпоқнинг Қорақуми, Навоийнинг Сардобаси ва Работи Малики...

**(Давоми 3-саҳифада)**

# ТЕМИР ЙЎЛ ТАРМОҒИ ТАРАҚҚИЁТИ

**Йўллар — иқтисодиётнинг қон томири. Бугун ушбу ўхшатишнинг кўлами янада ошмоқда. Йўлларнинг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ҳам аҳамияти катта.**
**Шу маънода мамлакатимизда йўллар қурилишига доимий равишда эътибор қаратиб келинаётгани узоқни кўзлаб амалга оширилаётган ишлар силсиласи эканлигини англаймиз. Истиқлол йилларида, айниқса, темир йўллар тизими катта ривожланиш сари юз тутган етакчи тармоқлардан бири бўлмоқда.**












Республикамиз жанубий вилоятларини марказий ҳудудлар билан бирлаштирган катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлининг қурилиши мустақиллик йилларида амалга оширилган ва ҳар бир Ватандошимиз қалбини ғурурга тўлдирган йирик лойиҳалардан бўлганди. Яқиндагина эса Президентимиз Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида яна бир катта лойиҳа — Ангрен (Тошкент вилояти)-Поп (Наманган вилояти) йўналишида умумий узунлиги қарийб 125 километр бўлган электрлаштирилган темир йўл қурилиши режалаштирилаётганини маълум қилди. “...Насиб этса, 2016 йилда мана шу темир йўл қуриб битказилиши билан водийга жумладан Андижонга поезд билан бемалол қатнаш имконига эга бўламиз”. Юртбошимизнинг ушбу сўзлари барчанинг, хусусан, водий аҳолисининг дилидаги гап бўлди. Шубҳасиз, мазкур темир йўл Фарғона водийсини мамлакатнинг асосий қисми билан боғлаган ҳолда, авваламбор, 10 миллиондан ортиқ кишини ташкил қилувчи водий аҳли орзиқиб кутган лойиҳа бўлди. Ва, Президентимиз айтганидек, мамлакатнинг барча ҳудуд ва минтақаларини қамраб оладиган ягона миллий темир йўл тармоғи барпо этилади.

Қайд этиш лозимки, истиқлол йилларида “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компанияси мамлакатнинг барча ҳудудларини қамраб олиш билан бирга, хизмат кўрсатиш сифатини оширишда ҳам катта ютуқларга эришди.

Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида компания муваффақиятлари, истиқболдаги режалар, хусусан, “Мароқанд-Қарши” ва “Қарши−Термиз” участкаларини электрлаштириш лойиҳаси бўйича олиб борилаётган ишлар ҳамда йўловчилар учун яратилган замонавий сервис хизматлари ҳақида сўз борди.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 21 декабрдаги “2011−2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида”ги Қарори асосида Ўзбекистон темир йўлларида тизимни жаҳон андозалари даражасида модернизациялаш ва янгилаш ишлари олиб борилмоқда.

Жумладан, ушбу қарорда белгилаб берилган муҳим вазифалардан бири бу − янги темир йўлларни қуриш ва электрлаштиришдир. Темир йўл транспортида участка линияларини электрлаштириш − йўловчи ва юк поездларининг хавфсиз, ишончли, тезкор ҳаракатланишини таъминлайди. Шу билан бирга, дизель ёнилғисини тежаб, ташиш сарф-харажатини қисқартиради.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз темирйўлчилари томонидан электрлаштириш соҳасида катта тажриба тўпланди. 2002-2009 йилларда 114 километрлик “Тўқимачи-Ангрен”, 2011-2012 йилларда Тошкент−Самарқанд йўналишидаги “Боёвут−Жиззах”, “Ғаллаорол−Маржонбулоқ” участкаларида 150 километрлик йўллар электрлаштирилди. Бугунги кунда мамлакатимиз темир йўлларининг 684,8 километри электрлаштирилган.

Темир йўл тизимида йўловчи ташиш ҳам замон талаблари даражасида ташкил этилган. Шу боис, йўловчилар сони йилдан-йилга ошиб боряпти. 2013 йилнинг биринчи чорагида маҳаллий йўналишлар бўйича қарийб 756 минг, шаҳарлараро йўналишларда 3 миллиондан ортиқ, халқаро йўналишларда эса 320 мингдан зиёд йўловчи ўз манзилига етказилган.

Вокзалларда йўловчилар учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Хусусан, кутиш заллари, она ва бола хонаси, болалар учун ўйин хоналари мавжуд.

Йўловчи поездлари вагонларида эса теле, видео воситалари ўрнатилган бўлиб, йўловчилар то манзилларига етгунларича мусиқа эшитиб, фильмларни томоша қилиб кетишлари мумкин. Шунингдек, вагонларда мунтазам равишда газета ва журналлар тарқатилади. Йўловчилар учун вагон ресторан ҳамда купе-буфетларда иссиқ овқатлар берилади. Айниқса, “Afrosiyob” тезюрар поездида юриш истагини билдирган йўловчилар сони ортиб бормоқда. Маълум қилинишича, жорий йилнинг биринчи чорагида бу поездда 33 минг 833 нафар йўловчи ташилган. “Afrosiyob”да кўрсатилаётган хизматлар соҳанинг халқаро талабларига тўлалигича жавоб беради.

**Азиз НУРУЛЛАЕВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

**Тадқиқотчиларнинг қайд этишича, табиатнинг энг зарар келтирувчи ҳодисаси зилзила ҳам, довул ҳам эмас, балки сув тошқини экан. ЮНЕСКО маълумотларига кўра, сўнгги юз йил давомида бутун дунё бўйича зилзила ва довуллар туфайли 2 миллион киши, сув тошқинлари оқибатида эса 9 миллион киши ҳаётдан кўз юмган. Шунинг учун ҳам халқимиз “Сув балосидан асрасин”, деб бежиз айтишмайди.**

# ИШОНЧЛИ МУҲОФАЗА

## ТАБИИЙ ОФАТЛАР ТАЛАФОТИНИ КАМАЙТИРИШГА ОИД САМАРАЛИ ЧОРА-ТАДБИРЛАРГА БОҒЛИҚ

Сув тошқини, зилзила ва довул каби табиий офатлар нафақат инсониятга, балки экин майдонлари, турар-жойлар, озиқ-овқат манбалари ва коммуникация тизимларига ҳам мислсиз зарар етказиши билан хавфлидир. Германиядаги “Мюник Ре” суғурта компанияси ҳисоботида таъкидланишича, дунё мамлакатлари биргина 2012 йилда табиий офатлардан 122 миллиард евро қийматида зарар кўрган. Инсоният табиий офатларни тўхтатишга ожиз бўлса-да, лекин фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш учун пухта тайёргарлик кўрилса, талафотлар деярли кузатилмайди.

2013 йилда сел-тошқин ва ер кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан мамлакатимиз аҳолиси ва ҳудудларини муҳофаза қилиш борасида қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда? Пойтахтимизда ўтказилган матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирининг ўринбосари, полковник Х.Абдулазизов шу ҳақда атрофлича сўз юритиб, бу борада давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 28 февралдаги “2013 йилда сел-тошқинлар ва ер кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудларини ҳимоя қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори дастуриламал бўлаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген фалокатлардан муҳофаза қилиш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш, фавқулодда ҳолатлар юз берган пайтда давлат тузилмаларининг биргаликдаги ҳаракатларини мувофиқлаштириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган тадбирлар амалга оширилаётган тадбир иштирокчиларининг диққат-марказида бўлди.

Дарҳақиқат, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида аҳолини турли табиий ва техноген хавф-хатарлардан муҳофаза қилиш, уларнинг олдини олишга қаратилган мустаҳкам тизим шакллантирилган бўлиб, унинг фаолиятини такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, жорий йилда Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларидаги табиий офат хавфи мавжуд ҳудудларда яшаётган аҳолини хавфсиз ҳудудларга кўчириш, уларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш, маҳаллий давлат идоралари тасарруфида бўлган дарё ва сойларнинг қирғоқларини мустаҳкамлаш ва ўзанларини тозалашга қарийб 12 миллиард сўмлик маблағ йўналтирилди.

Профилактика ишлари жараёнида аҳоли ва ҳудудларни сел ҳамда тошқинлардан ҳимоя қилиш бўйича энг долзарб вазифалар ўрганиб чиқилди. Дарёларнинг қўриқланадиган ҳудудлари ва гидротехник иншоотларда мавжуд талабларга риоя этилиши текширилди. Дарёлар ўзанлари, сойлар ҳамда гидротехник иншоотларнинг зарур ўтказиш қобилиятини таъминлаш мақсадида уларни тозалаш ва чуқурлаштиришга оид тадбирлар ташкил этилди.

− Сел-тошқин ва ер кўчки ҳодисаларининг олдини олиш учун, аввало, уларнинг хавфини ўрганиш, мониторинг ва прогноз ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқ, − дейди Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг фавқулодда вазиятларда бошқарув маркази хизмат бошлиғи, капитан Б.Курбонов. − Шу мақсадда жорий йилда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзгидромет” маркази, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси мутахассислари билан ҳамкорликда Тошкент, Наманган ва Қашқадарё вилоятларининг тоғли ҳудудларида беш маротаба аэровизуал кузатувлар амалга оширилди.

Аҳолини тошқинлар, кўчкилар ва бошқа табиий офатлардан асраш, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш соҳа вакилларидан юқори интеллектуал салоҳият ва сергакликни, зарурат туғилганда тезкор чора-тадбирлар кўришни талаб этади. Тадбирда ушбу касб эгаларининг бу борадаги билим, кўникма ва тажрибаси замонавий ахборот коммуникация технологиялари, энг янги авария-қутқарув ускуналаридан фойдаланган ҳолда ўтказилаётган ўқув-машқларида янада мустаҳкамланаётгани алоҳида қайд этилди.

Тадбирда аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш борасидаги ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида уяли телефон операторлари орқали аҳолига об-ҳавонинг кескин ўзгариши ва фавқулодда вазиятлар содир бўлиши эҳтимоли тўғрисидаги маълумотлар мунтазам равишда СМС хабарлар шаклида жўнатилаётганлиги таъкидланди.

Тадбир давомида фуқаролар ўртасида ўтказилаётган учрашув ва давра суҳбатларида юртдошларимизга фавқулодда вазиятлар пайтида тўғри ҳаракатланиш қоидалари ўргатилиб, атрофдагиларга ёрдам кўрсатиш бўйича тушунчалар берилаётгани натижасида аҳолининг бу борадаги билим ва малакаси, огоҳлиги, ҳушёрлиги ошаётгани айтиб ўтилди.

**Сайидодил САЙИДИСЛОМОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

# ЁШ ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ТАШАББУСЛАРИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

**«АСАКА» ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ТОМОНИДАН ТОШКЕНТ ШАҲАР СИРҒАЛИ ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ ВА ПРОКУРАТУРАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА «ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА ЖАЛБ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН АНЖУМАН ЎТКАЗИЛДИ.**

Унда "Асака" банк, туман ҳокимлиги ва прокуратураси масъул ходимлари, Сирғали туманида жойлашган касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган ёшлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Маълумки, "Обод турмуш йили" Давлат дастурида банк кредитлари орқали аҳоли фаровонлиги ва реал даромадларининг изчил ўсишини таъминлаш, иш билан бандликни ошириш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик фаолиятини янада такомиллаштириш, оилавий бизнес ва миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган. Мазкур дастур ижросини таъминлаш юзасидан банк томонидан ишлаб чиқариш инфратузилмалари объектларини қуриш ва ишга тушириш, касаначиликни, хизматлар соҳасини кенгайтириш, касб-ҳунар коллежлари ва бошқа таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш учун кредитлар ажратиш, аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.



Тадбирда таъкидланишича, 2013 йилнинг 1-чораги мобайнида "Асака" банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 172,9 млрд. сўм, шу жумладан, таълим муассасалари битирувчиларига 1,2 млрд. сўм, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун 1,5 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Натижада ушбу маблағлар кўплаб янги иш ўринлари яратилиши, аҳолининг турмуш даражаси яхшиланиши ва реал даромадлари ошишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Шунингдек, жорий йил давомида банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига жами 684 млрд. сўм молиявий мадад берилиши кўзда тутилган бўлиб, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишлари учун 6,2 млрд. сўм, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга 6,5 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилиши таъминланади.

Анжуманда ёшларнинг ўз бизнесларини йўлга қўйишлари ва шу орқали янги иш ўринлари яратилишига алоҳида аҳамият берилди.

Тадбир сўнгида тақдим этилган лойиҳалар орасидан коллеж битирувчилари учун янги иш ўринлари ташкил этишга қаратилган 5 та лойиҳа танлаб олинди ва лойиҳа эгалари имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

— Тадбиркорлик фаолиятимни бошлашим учун менга молиявий кўмак зарур эди, — дейди коллеж битирувчиси Зарина Муртозоева. — "Асака" банк томонидан берилган имтиёзли кредит менга катта имкониятлар тухфа этди. Ушбу маблағ эвазига тикувчилик корхонаси ташкил этиб, ички бозоримизга сифатли маҳсулотлар етказиб беришни йўлга қўймоқчиман.

Мамлакатимизда Зарина сингари ташаббускор ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни истовчи ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Бундай ёшларнинг ўз бизнесларини йўлга қўйишларида "Асака" банк доимо ҳамкорликка тайёр эканлиги анжуман сўнгида ҳам алоҳида таъкидланди.

**Шодиёр ЙЎЛДОШЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# АСРЛАР САРМИШСОЙДА САДО БЕРАДИ

**(Боши 1-саҳифада)**

Сармишсой дарасида булоқларнинг шаффоф сувлари жилваланиб оқади. Сойнинг икки соҳилидаги қоятошларга ишланган ўн мингдан ортиқ петроглифлар эътиборни тортади. Дарада аниқланган кўплаб тегирмон излари ва қолдиқлари бу ерда аҳоли ҳаёти тўкин ва фаровон бўлганлигидан дарак беради. Археологик тадқиқотлар Сармишсойда қўрғонлар бунёд этилгани, ҳудудни ҳимоя қилиш ва юртни қўриқлаш, ер ва мулкка эгалик муносабатлари ҳақида ҳикоя қилади. "Асрлар садоси" анъанавий олтинчи маданият фестивалига ҳозирлик чоғида сой бўйиларига турфа манзарали дарахт кўчатлари ўтказилгани бу маконнинг табиий гўзаллигини янада бойитишга хизмат қилди.

Навоийда фестиваль иштирокчиларини, жумладан, хорижий ва маҳаллий сайёҳларни кутиб олиш ҳамда уларга намунали хизмат кўрсатиш юзасидан кўплаб ишлар амалга оширилятпи. Масалан, Навоий темир йўл вокзали, Навоий халқаро аэропорти атрофлари байрамона безатилиб, магистраль ва ички автомобиль йўлларида кенг кўламли таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари бажарилаётир. Навбаҳор, Нурота ва Кармана туманларида кўплаб савдо ҳамда хизмат кўрсатиш масканлари барпо этилмоқда.

Маданият фестивали доирасидаги халқ миллий ўйинларидан кўпкари, кўчқор уриштириш, дор ўйинларини ўтказиш учун майдонлар ҳозирланмоқда. Ўзбек миллий маданияти намуналарини маҳаллий ҳамда хорижлик меҳмонларга кенг намойиш этиш мақсадида вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидаги бадиий жамоалар, бахшилар, лапар ва ўланчилар ўртасида кўрик-танловлар ўтказилади. Миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмасини ташкил этиш ишлари йўлга қўйилган.

Фестиваль меҳмонларини Сармишсойнинг ноёб маданий бойликлари билан яқиндан таништириш, улар учун қизиқарли саёҳатлар уюштириш мақсадида сой бўйидаги йўллар таъмирланиб, янги кўприклар барпо этилди.

Хуллас, кўҳна тарихдан садо берувчи сўлим Сармишсой нуфузли маданият анжумани меҳмонлари учун ўз бағрини очмоқда.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

○ **Анжуман**

# БОЛАНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ

**Республика болалар ижтимоий мослашув маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш Қўмитаси ҳамкорлигида болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги дастурларни амалга оширишда давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва истиқболларига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.**



Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, халқаро ташкилотлар, ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Республика болалар ижтимоий мослашув маркази томонидан имконияти чекланган, ота-она қарамоғисиз қолган, ижтимоий ва ҳуқуқий хатар гуруҳига кирувчи болаларга комплекс хизмат, яъни ҳуқуқий, психологик-педагогик, таълим ва реабилитация ёрдамлари кўрсатилиб, бу борада илмий-тадқиқотлар ҳамда ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

"Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича дастурларни амалга ошириш борасидаги давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш" лойиҳаси ана шундай ишлардан биридир. 2012 йилдан амалга оширилаётган лойиҳанинг мақсади ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга кўмаклашишда давлат ва нодавлат ташкилотларининг ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган.

– Марказимиз қошида ахборот-консалтинг хизмати ҳам фаолият юритмоқда, – дейди Республика болалар ижтимоий мослашув маркази мутахассиси Ахбор Асқаров. – Айни пайтгача бу ерга тўрт минг нафардан зиёд ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар мурожаат этишди. Уларга керакли ёрдамлар кўрсатилди. Ҳукуматимиз қарори билан Фарғона вилоятида марказимиз филиали фаолият бошлади. Келгусида ана шундай филиалларни кўпайтириш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, қатнашчилар "Обод турмуш йили" Давлат дастуридан ўрин олган тадбирлар, фарзандликка олиш ҳимоясини суд орқали кучайтиришнинг қонуний жиҳатлари, болалар ҳимоясига бўйича жамоатчилик назорати, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашда халқаро тажрибалар борасида ҳам фикр алмашишди. Тадбирда нодавлат нотижорат ташкилотлар ва давлат ташкилотларининг ҳамкорлигини янада ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Муқаддас БОБОМУҲАММЕДОВА,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Айдарбек ТУЛЕПОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари.



# Ҳидоят деб залолатга кетманг!

**ЖАМИЯТДА АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИ ОШИБ БОРМОҚДА. АЙНИҚСА, ХОТИН-ҚИЗЛАР ОРАСИДАГИ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРДА УЛАРНИНГ ЎРНИ АҲАМИЯТЛИ БЎЛМОҚДА. ЖУМЛАДАН, ДИНИЙ ТАРБИЯ, МАЪРИФАТ ВА АХЛОҚНИ АЁЛЛАРГА ЕТКАЗИШДА ОТИНОЙИЛАРНИНГ ҲАМ МУНОСИБ ЎРНИ БОР. БИРОҚ МАЪНАВИЙ МУҲИТГА САЛБИЙ ТАЪСИР ЭТАЁТГАН ВА БИДЪАТ-ХУРОФОТЛАРГА БОШЧИЛИК ҚИЛАЁТГАН БАЪЗИ БИР СОХТА ОТИНОЙИЛАР ҲАМ УЧРАЁТГАНИ АЧИНАРЛИДИР.**

### БИЛМАГАН ИШИНГГА АРАЛАШМА!

Илми йўқ, фақат бир-икки оят, ҳадисни чала ёдлаб олган бундай аёллар беҳуда гаплару асоссиз ривоятлар билан одамларни чалғитаётир. Бундайлар нафс истаги, бойлик орттириш, обрў-эътибор илинжида ўзлари билмайдиган ишларга қўл уришмоқда. Улар аёлларни ҳидоятга чорлаяпман, деб ўйлайдию, аммо ўзини ҳам, бошқаларни ҳам залолат ботқоғига тортаётганини сезмайди.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қиладилар: "Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ким ҳидоятга чақирса, унга эргашувчининг савобидек ажр бўлади. Бу билан амал қилган кишининг савобидан бирор нарса камаймайди. Кимки залолатга чақирса, эргашувчи кишининг гуноҳидек унга гуноҳ ёзилади. Бу билан амал қилган кишининг гуноҳидан бирор нарса камаймайди".

Айрим отинойилар аёллар онгига ўрнашиб қолган ирим-сиримлар — Биби сешанба, Мушкул кушод каби бидъат-хурофотларга раддия билдириш ўрнига, уларга бош-қош бўлмоқдалар. Мушкул кушод – гўё мушкулларни осон қилувчи, масалан, совчи келмаганида, муносиб келин топилмаганида ёки иши юришмаганида қилинадиган хурофот амалдир. Динда бундай амаллар йўқ.

Аммо балои нафс йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган баъзи отинойилар аёлларнинг ишонувчанлик, соддадиллик ва итоаткорлик каби хусусиятларидан фойдаланиб, уларни тўғри йўлдан чалғитишяпти. Ишончни суиистеъмол қилиб, соддадил аёлларни алдаш йўлига ўтишмоқда. Уларнинг найрангига учаётган софдил хотин-қизлар Яратганнинг «Ўзинг (аниқ) билмаган нарсага эргашма» (Исро сураси, 36-оят) деган хитобига амал қилмай, тўғри йўлдан чалғиётганлари ташвишли ҳолдир.

Баъзи отинойилар суҳбатларида фақат дўзах азоби, қабр ҳаёти ва қиёмат даҳшати ёки жаннат васфи ҳақида гапириб, қалбга ваҳима ёки ҳайрат солададилар. Аслида Яратганнинг муҳаббатига маърифат ва Ҳақ таоло рози бўладиган эзгу ишлар билан эришилади. Бу ҳақда тасаввуф олимаси Робия Адавия: «Жаннат орзуси ва дўзах азобидан қўрқув нажот воситаси бўла олмайди. Маърифат амалдан устун, Аллоҳни амаллар билан эмас, маърифат билан таниш муҳимдир», деган эди.

Айрим отинойилар динни осон қилиб етказиш ўрнига амалларни мушкул қилиб изоҳлаш, қўрқитиш йўлини тутади. Аслида, Ислом енгиллик динидир. Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам умматларига доимо енгиллик, осонлик истаганлар. Бир ҳадиси шарифда: «Осонлаштиринг, қийинлаштирманг, қизиқтиринг, бездирманг», (Имом Бухорий ривояти) дейилган. Зеро, ояти каримада ҳам «Аллоҳ ҳеч бир жонга тоқатидан ташқари нарсани таклиф этмайди...» (Бақара сураси, 286-оят) дейилган.

Айниқса, фолбинлик каби улкан гуноҳ ишлар билан шуғулланадиганлар орасида отинойиликни даъво қиладиганлари ҳам борлиги кишини қаттиқ ранжитади.

Турли иллатлар ҳозирга қадар сақланиб келмоқда. Масалан, ёмон кўздан асраш учун тикан, тақа, бўри тирноғини илиб қўйиш каби одатлар, чоршанба, шанба кунлари сафарга чиқилмаслик каби хурофотлар ва «етти», «йигирма», «қирқ», «йил» деган бидъат маросимлардан қайтариш ўрнига, баъзи отинойилар уларни қўллаб-қувватламоқда.

Бунинг устига, кўп отинойилар тўй, ақиқа, хотира маросимларининг фарқига бормайди. Шунингдек, улар диёримиз мусулмонлари ҳанафий мазҳабига риоя этишларини инобатга олмай, ўзлари турли адабиётлардан ўқиган ёки эшитган фикрларни гапириб, кишилар орасида ихтилофларни келтириб чиқаришмоқда. Набий (алайҳиссалом): «Банда бир калимани гапиради. Унда нима борлигини (маъносини) ажратмайди. Бу билан дўзахга, машриқ ва мағриб орасидан ҳам чуқурроқ қаърига қулайди» (Имом Термизий ривояти), деб огоҳлантирганлар.

Шундай отинойилар ҳам борки, ҳижоб масаласига қаттиқ ёпишиб олиб, аёл бутун танасини, ҳатто кўзини ҳам беркитиши керак, деган фикрни илгари суради. Ваҳоланки, ҳанафий мазҳабида аёлнинг юзи, икки кафти ва оёқларининг тўпиғидан пасти аврат эмаслиги хусусида аниқ далиллар бор.

Баъзи мутаассиблар «ҳижоб», деб бошдан-оёқ ўраниб юриш масаласида ҳамон баҳс-мунозаралар қилмоқда. Маълумки, бошдан-оёқ қора либосга ўраниб олиш, аслида араб саҳросида яшайдиган аёлларга хосдир. Чунки у ерлар ҳаддан ташқари иссиқ ёки шамол бўлгани учун эркак ҳам, аёл ҳам иссиқдан ўзини сақлаш мақсадида кўзи очиқ бўлиб, юзи ва баданини ўраб юради.

Қадимдан аёллар ўраб келган рўмол эса динимиз кўрсатмаларига тўғри келади. Шундан келиб чиқиб, юртимиз хотин-қизлари ҳам динимиз таълимотига мувофиқ, урф-одатларимизга мос ҳолда бошларига оқ ёки ёрқин рангли рўмол ўрашган.

Шундай экан, аёлларимиз миллий либосларни кийишса, моҳир тикувчиларимиз уларни ҳозирги замонга хос, иқлимимизга мос, урф-одатларимизга тўғри келадиган шаклларда тикишса, мақсадга мувофиқ бўлади.

### ОТИНОЙИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Энг аввал «отинойи» сўзининг истилоҳий маъносини англаш лозим. Отин – қизлар ўқитувчиси, дин ва шариат билимдони ҳамда аёллар ўртасида диний маросимларга бошчилик қиладиган, халқ орасида катта обрў-эътиборга сазовор бўлган кайвони аёл. Шунингдек, «отин» сўзи маърифатпарвар аёлларни ҳурматлаб, исмига қўшиб айтилган.

Аждодларимиз хотин-қизлар қалбига аёл кишининг суҳбати чуқурроқ сингиб боришини яхши англаганлари учун отинойилар фаолиятидан унумли фойдаланишган. Маҳалла ёки қишлоқлардаги таълим-тарбия ишларига жалб этишган. Айниқса, диний маърифатни ёйиш, қизларни турмушга тайёрлаш ва уларнинг руҳиятини бекаликка мослашда отинойиларнинг вазифаси катта бўлган. Отинойилар фақат билим тарқатувчигина эмас, балки ёшлар тарбияси учун масъул, одоб-ахлоқда эса ҳаммага ўрнак бўлишган. Шунингдек, Қуръони Карим қироати, унинг тафсири, пайғамбарлар тарихи, халқ оғзаки ижодини яхши билишган.

Улар ёшларга никоҳнинг илоҳий аҳдлиги, оиланинг муқаддаслигини уқтиришган ва ҳаётий мисоллар билан фарзандлар онгига сингдиришган. Зиё тарқатувчи, маърифатпарвар имом-хатиблар қанча эъзозда бўлса, отинойилар ҳам шунча ҳурмат қилинган.

Хотин-қизларни, болаларни комиллик сари етаклаш вазифаси тарихдан маълумки, аёл устозлар – отинлар зиммасида бўлган. Имом Бухорий, Термизий, фалакиёт илми билимдони Мирзо Улуғбек, дунё тиббиётига устоз бўлган Абу Али ибн Синонинг улуғ олим бўлишларига маърифатли аёллар, муътабар оналар сабабчи. Навоийдек шоирларни ҳам, Мирзо Бобурдек ҳукмдорларни ҳам ана шундай оналар тарбия қилишган. Ушбу илм дарғаларининг болалик йилларига назар солинса, бошланғич таълимни гўдаклик чоғларида оналаридан олишгани маълум бўлади.

Албатта, бундай шахслар камолоти замирида аёл меҳнати ётади. Масалан, Ҳаким ат-Термизий кўп аёл муҳаддислардан сабоқ олгани манбаларда келтирилган. Аллома Имом Ғаззолий ҳаёти ўрганилса, маърифатпарвар онанинг улкан хизмати кўзга ташланади.

Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаммадан олдин аёллари Хадича (розияллоҳу анҳо) онамиз ёрдам кўрсатганлари маълум. Ҳазрат Ойша бу уммат аёлларининг олимаси ва Қуръон ҳофизаси эдилар. Абдуллоҳ ибн Масъуд энг етук фақиҳ бўлса, Ойша (розияллоҳу анҳо) энг етук фақиҳа эди. Зайд ибн Собит ҳофиз бўлса, Ҳафса бинти Умар ҳофиза бўлган. Ҳасан Басрий йирик машойих бўлса, Робия Адавия катта машойихлар мақомида эди.

Қадимдан отинойилар ҳалоллиги, тақвоси, меҳнаткашлиги, ҳаёси билан эл ҳурматини қозонишган. Шоиралар мураббийи Жаҳонотин Увайсий, маърифатпарвар шоира Нодирабегим ва доно маслаҳатчи Бибихоним каби оқила момоларимиз яхши тарбия кўрганлари боис, ўз даврининг машъали, хайрли ва улуғвор ишларнинг йўлбошчилари бўлишган. Ҳозирги отинойилар ана шулардан ибрат олишлари лозим.

### ОТИНОЙИЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Ҳозирги замон отинойиси чуқур ҳаётий тажрибага эга, дунёвий ва диний билимлар соҳибаси, эл-юрт орасида обрў-эътиборли, миллий-диний қадриятларни асл ҳолида аҳолига етказа оладиган аёллар бўлиши керак. Шунингдек, отинойи Ислом дини моҳиятини тўлиқ тушуна билиши, тўрт мазҳаб ҳақида маълумотга эга бўлиши, Қуръони каримни тажвид билан ўқий олиши, дунёда юз бераётган ҳодисалардан хабардор бўлиши зарур.

Отинойилар халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида тинчлик ва барқарорликнинг қадрига етиши, дунёда кечаётган ўзгаришлар, юз бераётган нохуш воқеаларнинг асл сабабларини тўғри тушунтириб, қалбларга етказа олишлари лозим.

Хотин-қизларга никоҳ ва оила масалалари ҳақида маълумотлар бериши керак. Айниқса, эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари ҳамда балоғат, камолот ва никоҳ ёшларининг бир-биридан фарқини билдиришлари жуда муҳим вазифадир. Шунингдек, оила муҳитини яхшилашда аёл кишининг ўрни катталигини эсдан чиқармаслик керак.

Маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатаётган, ҳанафий мазҳаби таълимотига зид бўлган ҳолатларга қарши туриш зарур. Хусусан, хотин-қизлар орасида учрайдиган фолбинга бориш, сохта пирларга эргашиш каби бидъат-хурофотларга барҳам бериш йўлида отинойилар тинмай ташвиқот ишларини олиб боришлари бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Минг афсуски, тўй ва маърака-маросимларда исрофгарчиликлар ҳамон учраб турибди. Айниқса, тўй арафасидаги олди-берди, зебу зийнатларни ортиқча талаб этиш катта исрофдир. Оқибатда оилалар арзимаган «берди-бермади», деган гап-сўзлар билан бузилиб кетяпти. Демак, отинойилар тўйларни ихчам ўтказиб, тежалган маблағни ўша ёш оиланинг келажаги учун ишлатиш дуруст бўлиши ҳақида панду насиҳат қилишлари даркор. Расулуллоҳ (алайҳиссалом) бундай огоҳлантирадилар: «Сени икки нарса – фахрланиш ва исроф хатога бошлайди. Шундан эҳтиёт бўл» (Имом Бухорий ривояти).

Инсонларни динимизнинг эзгу таълимотларига чиройли сўз ва гўзал насиҳат билан чорлаш тавсия этилади. Қуръони каримда «(Эй Муҳаммад,) Раббингиз йўли (дини)га ҳикмат ва чиройли насиҳат билан даъват қилинг! Улар билан энг гўзал услубда мунозара қилинг!..» (Наҳл сураси, 125-оят) дейилган.

Аҳоли орасида маънавий-маърифий тарғибот ишларини олиб боришда маҳаллаларда-ги диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг алоҳида ўрни бор. Бугунги отинойилар ана шу маслаҳатчилар билан ҳамжиҳатликда фаолият олиб боришлари керак.

Ёшларимизни, айниқса, қиз болаларни соғлом руҳда тарбиялаш ва уларнинг замонавий билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, ҳаётда муносиб ўрнини топишига кўмаклашиш, шунингдек, урф-одат ҳамда диний маросимларни давр талаблари билан уйғунлаштириш маҳалла маслаҳатчилари ва отинойилар олдида турган энг муҳим вазифадир.

Ҳозирги кунда отинойилар фаолиятини тўғри йўналтириш ҳамда улар билан ҳамжиҳатликда ишлаш мақсадида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида туман бош имом-хатибларининг хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчилари фаолият кўрсатмоқда. Улар отинойилар билан бевосита ҳамкорликда ишлашмоқда. Келгусида бошқа ҳудудларда ҳам шундай вазифаларни ташкил этиш айни муддао бўлур эди.

Отинойилар юқорида айтилган талабларга жавоб бера олсалар, турли бидъат ва хурофотлардан халқимиз ва ёшларимиз онгини муҳофаза этсалар, динимизнинг асл моҳиятини тўғри етказиб бера олсалар, мамлакатимиз ривожига катта ҳисса қўшган бўладилар. Энг муҳими, халқ орасида ҳурматли инсонларга айланадилар.

# «KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ ВА УНИНГ ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

**I. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани ҳокимининг 2013 йил 22 апрелдаги 421-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:**

**1.** Маиший хизмат кўрсатиш биносини қуриш учун Юқори Чирчиқ тумани Суранкент ҚФЙ Қизилсой маҳалласи ҳудудида жойлашган сатҳи 0,06 га бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 225 677 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Тошкент вилояти архитектура ва қурилиш бош бошқармаси томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб бир йил ичида амалга оширилиши лозим.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (соат 13:00 дан 14:00 гача тушлик) ва 2013 йил 3 июнь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 4 июнь куни соат 11:00 да очилади, 2013 йил 4 июнь куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Юқоридаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2013 йил 4 июндаги танловда сотилмаган тақдирда, такрорий танлов савдоси 2013 йил 19 июнь ва 5 июль кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2013 йил 19 июндаги танлов савдоси учун 18 июнь куни соат 18:00 да, 2013 йил 5 июлдаги танлов савдоси учун 4 июль куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 19 июнь ва 5 июль кунлари соат 11:00 да очилади, 2013 йил 19 июнь ва 5 июль кунлари соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ОАИТБ "Ипак йўли" банки Сағбон филиалидаги: МФО 01063, СТИР 207122519, 20208000904920609114 ҳ/р га тўлашлари шарт.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

**Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:**

*- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

*- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

*- танлов ташкилотчисига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;*

*- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.*

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили:** Тошкент шаҳар Олмазор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1-"А"уй. Тел: (8-371) 228-80-26. **Лицензия** № RR 0001. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz.

## ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

**Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Жиззах вилояти Пахтакор тумани ҳокимининг 25.04.2013 йилдаги 02-131 ва 02-132-сонли алоқа хатларига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда.**

**1.** Савдо шохобчаси биноси қуриш учун Пахтакор тумани Пахтакор ҚФЙ ҳудудида жойлашган 1 дона умумий ер майдони 56,16 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 16 454 сўм.

**2.** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси биноси қуриш учун Пахтакор тумани А.Икромов ҚФЙ ҳудудида жойлашган 1 дона умумий ер майдони 36,0 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 9 546 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Пахтакор тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва 2013 йил 3 июнь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Пахтакор тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 4 июнь куни соат 11:00 да очилади, 2013 йил 4 июнь куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқлари 2013 йил 4 июндаги танловда сотилмаган тақдирда, такрорий танлов савдоси 2013 йилнинг 20 июнь куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2013 йил 19 июнь соат 18:00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Пахтакор тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 20 июнь куни соат 11:00 да очилади, 2013 йил 20 июнь куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини АТИБ "Ипотекабанк" Жиззах вилояти филиалидаги МФО 00122, СТИР 207122519, 22626000804920609001 ҳ/рга тўлашлари шарт.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

**Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:**

*- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

*- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

*- танлов ташкилотчисига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;*

*- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.*

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили:** Жиззах вилояти Жиззах шаҳри Ш.Рашидов кўчаси 39-уй. Тел./факс: (8-372) 222-34-16, rieltsavdo@inbox.uz. www.1kms.uz. **Лицензия:** RR:0001.

## СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

**I. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.05.2011 йилдаги 147-сонли қарори ва Сирдарё вилояти Ховос тумани ҳокимининг 29.04.2013 йилдаги 01/02-395-сонли алоқа хатига ва 24.12.2012 йилдаги 1035-сонли фармойишига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қуйидаги ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи қўйилмоқда:**

**1.** 2 та савдо дўкони ва 2 та маиший хизмат кўрсатиш объектлари қуриш учун Ховос тумани Ховос шаҳарчаси Чаманзор маҳалласи "Ховосдеҳқонбозор" МЧЖ филиали ҳудудидаги бўш ер майдонидан 4 дона ҳар бирини майдони 24,0 кв.м.дан жами 96,0 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ҳуқуқнинг минимал қиймати - 6 700 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Ховос тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2014 йил февраль ойигача амалга оширилиши лозим.

